

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-2>

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Гулямов Сайдахрар**  
**Саидахмедович**  
академик

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Вохидова Мехри Хасановна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори

### ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

#### 08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

#### 08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

#### 08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

**Жиянова Н.Э.** - и.ф.н., доц.

#### 08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

#### 08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**

**Маматкулов И.**  
**Ғойипназаров С.Б.** - PhD  
**Кадилова З.А.** - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Dusmatov Begmuhammad, Dusmatova Ma'mura</b> INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AIC AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT.....	4
<b>2. Saidov Farrukh</b> BASIS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL PLATFORMS INFRASTRUCTURE.....	12
<b>3. Safarov Bakhodirkhan, Barrayeva Shahriniso</b> PILGRIMAGE TOURISM - TRAVELERS AND PILGRIMNS RELIGIOUS, HISTORICAL PLACES, PERSONS KNOWING THEIR WAY OF LIFE.....	17
<b>4. Dusanov Salim</b> THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY.....	22
<b>5. Kholmuratova Shakhnoza</b> THE ESSENCE OF THE QUALITY OF EDUCATION IN ECONOMIC DIRECTIONS AND ITS EVALUATION INTERNATIONAL METHODS.....	29
<b>6. Mamatkulova Shoirra</b> THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY AND NETWORKS IN LABOR MARKET DEVELOPMENT.....	36
<b>7. Norkulova Dilfuza, Jurakulov Khusen</b> IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY.....	41
<b>8. Khayitov Jamshid</b> THE ROLE OF IMPROVEMENT SERVICES IN REFORMING THE NATIONAL ECONOMY.....	46
<b>9. Babanazarova Sevara</b> INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL.....	51
<b>10. Usmanova Sabokhat, Gulyamova Nigora</b> PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	56
<b>11. Julieva Yulduz</b> PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	64
<b>12. Sattarova Nargiza</b> QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES.....	69
<b>13. To'raev Dilshod</b> WAYS TO REGULATE THE SECRET ECONOMY THROUGH TAXES.....	75

JOURNAL OF

ISSN: 2181-9491

www.tadqiqot.uz


# INNOVATIONS IN ECONOMY

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР | ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

**Норкулова Дилфуза**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
“Туризм” кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)**Журакулов Хусен**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
2-курс магистранти

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИ РИВОЖИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

**For citation:** Norkulova Dilfuza & Jurakulov Khusen. IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 2. pp.41-45

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8165921>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг интернет глобал тармоғи ва мобиль алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши буйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, инновацион технология, давлат сиёсати, электрон тижорат, ахборотлаштириш, электрон тўлов, тизим, халқаро стандарт.

**Norkulova Dilfuza**Associate Professor of the Department of Tourism,  
Samarkand Institute of Economics and Service,  
Candidate of Economic Sciences. (PhD)**Jurakulov Khusen**2nd year master of the  
Samarkand Institute of Economics and Service.

## IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY

### ABSTRACT

This article focuses on the fact that the widespread introduction of information and communication technologies in the economic sphere marked the beginning of a new stage in the development of relations between the producer and the consumer in the provision of goods and services. Proposals and recommendations have been made on the active introduction of e-commerce

into business processes in our country and its effective use, the implementation of systemic measures aimed at providing interactive services to customers through the global Internet and mobile communications.

**Key words:** innovative economy, innovative technologies, public policy, e-commerce, information, electronic payment, system, international standard.

**Норкулова Дилфуза**

доцент кафедры «Туризм»

Самаркандского института экономики и сервиса,

кандидат экономических наук. (PhD)

**Журакулов Хусен**

магистр 2 курса

Самаркандского института экономики и сервиса

## ВЛИЯНИЕ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВЛИ НА ЭКОНОМИКУ НАШЕЙ СТРАНЫ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье особое внимание уделяется тому, что широкое внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономическую сферу положило начало новому этапу развития отношений между производителем и потребителем при предоставлении товаров и услуг. Сделаны предложения и рекомендации по активному внедрению электронной коммерции в бизнес-технологические процессы в нашей стране и эффективному ее использованию, реализации системных мер, направленных на предоставление интерактивных услуг клиентам через глобальную сеть Интернет и средства мобильной связи.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, инновационные технологии, государственная политика, электронная коммерция, информация, электронный платеж, система, международный стандарт.

### Кириш

Мамлакатимизда «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларини рақамлаштириш, давлат ахборот тизимлари ва электрон хизматларни жорий этиш, шунингдек, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича халқ таълими, давлат хизматлари, суд, молия ва банк тизимида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини самарали рейтинг баҳолаш тизими ҳамда уни амалга оширишнинг идоралараро механизмининг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни рақамли трансформацияси ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишга тўсқинлик қилмоқда [1]. Халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкнинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда [2].

Бозор муносабатлари шароитида долзарб муаммоли масалаларни, рўй берадиган ўзгаришлар ва юзага келиши мумкин бўладиган имкониятларни олдиндан кўра олиш, хўжалик сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқишда янгича услуб, янгича техника-технология орқали ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш давр талабидир [3]. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви натижасида рақобат муҳитининг кучайиб бориши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳаётийлик даври кескин қисқариши, бозор конъюктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларининг тез ўзгариши бугунги кунда ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан қисқа даврда самарали тижоратлаштириш механизмларини ишлаб чиқишни ҳаётий заруратга айлантормоқда [4].

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар электрон тижоратни ривожлантиришнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Шу боисдан электрон тижоратни ривожлантириш ва иқтисодиётни ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, яратилган технологик асослар туфайли сўнгги йилларда электрон тижорат бозори шаклланиб, унга хизмат қилувчи механизмлар тизимли равишда такомиллашиб бормоқда. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар мазкур йўналишдаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига кўра, электрон тижоратни пухта ўзлаштиришда унинг назарий ва амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади [5]. Электрон тижорат ишбилармон ҳамкорлар ўртасидаги тижорат алоқаларининг самарадорлигини оширадиган илғор ахборот технологиялардан фойдаланиб, бизнес юритиш усуллариغا айтилади [6].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотни амалга оширишда туризм хизмат кўрсатиш жараёнини кўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Республикаимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инновацион технологияларни ривожлантириш бўйича давлатнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан:

– республикаимизда инновацион технологиялардан самарали фойдаланишда иқтисодий шарт-шароит яратадиган “... рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш- келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири бўлади [7];”

– “давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш [7]” га эришилади;

– “Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш... таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим [7]” натижада иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларда инновацион технологияларни ривожлантириш имконияти яратилади;

– “... Электрон ҳукумат тизимини, амалга ошириладиган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур [7]” лиги, бу борада инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш амалга оширилади.

– “...таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт [7]” лиги белгиланган.

– “Мамлакатимиз иқтисодиётини тезкор ривожлантириш учун “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ишлаб чиқишни [7]” амалга ошириш белгиланган.

– “Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан яхшилаш...” бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланган ва бошқа шу каби йўналишлардан иборат.

Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи етакчи компанияларнинг изланишлари шуни кўрсатадики, инновацион технологияларни яратишнинг дастлабки босқичда техник ва бошқарув ечимларининг дизайни махсус дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилади, кейин прототиплар ишлаб чиқарилади ва шу билан харажатлар таркибини оптималлаштиради. Шу мақсадда бугунги кунда дунё бўйлаб корхоналар базасида юқори малакали мутахассислар ва ишлаб чиқувчилар раҳбарлигида махсус технопарклар



ташқил этилмоқда. Бу борада республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев шундай деган эди: – “Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган IT – парк барпо этилмоқда. У ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай IT-парклар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташқил этилади” [7]. Технопарк ташқил этилиши янги иш ўринлари яратиш, янги технологияларни ривожлантириш, корхоналар учун - инновацион ривожланишга ўтиш ва рақобатдошликни оширишга ёрдам беради. Аммо бу баъзи ҳолларда корхона фаолиятида инновацион технологияларнинг самарасиз қўлланилиши натижасида уларнинг мазмуни ва фойдаланишдаги қийинчиликлар уларни идрок этиш, амалий қўллашда муаммолар юзага келади. Шу муносабат билан инновацион технологиялар, жумладан электрон алоқанинг янги шакллари (Интернет, овозли почта, видео хабарлар, IP-телефония ва бошқалар), корпоратив билимларни бошқарув тизимини янгидан қайта қуриш зарурлигини ва сифатини ошириш корхоналар олдида турган инновацион вазифалар ҳисобланади. Электрон тижорат соҳасининг бугунги ривожланиш босқичи давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2015 йилда “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Ушбу қонун электрон тижоратнинг технологик ва телекоммуникацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга маҳаллий хўжалик субъектларининг самарали фаолияти учун қулай шароит яратиш борасидаги тизимли ишларнинг такомиллашувига олиб келди.

Қонун қабул қилиниши билан электрон тижоратнинг келгусидаги истиқболи билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳукумат қарорига асосан ўрта муддатли истиқболда электрон тижоратни ривожлантиришнинг, рақобат муҳитини кенгайтиришнинг, янги инфратузилма ўсишининг ва қўшимча иш ўринлари яратишнинг йўллари, шакллари белгилашнинг, шунингдек, электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи концепция қабул қилинди. Шу маънода янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш, амалиётга қўллашдаги мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда соҳага доир қонун ҳужжатларида учраётган бўшлиқларни тўлдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Электрон тижорат соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги семинар айти шу мақсадга қаратилди. Семинарда электрон тижорат соҳасида давлат ваколатли органи ҳисобланган Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари, электрон тижорат соҳасидаги етакчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва малакали экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тизимли ва тадрижий давлат сиёсати олиб борилгани натижасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахслар ва тижорат банклари ўртасида тезкор алоқа ўрнатилиб, масофавий бошқарув орқали банк ҳисоб рақамларини бошқариш, замонавий электрон иловалар ва тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи янги ахборот технологиялари кенг жорий қилингани, бу эса, ўз навбатида, телекоммуникация инфратузилмасининг кескин ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига кенг жорий этилиши ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айти пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш, мижозларнинг интернет глобал тармоғи ва мобиль алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни

жорий этиши уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишларига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, янги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Чунки шу асосда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришга кенг йўл очилди. Бу савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатларни камайтириш, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни ўрнатиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга кўмак беради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Шу ўринда электрон тижоратни ривожлантириш, янги таҳрирда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун талабларини амалиётга самарали равишда татбиқ этиш борасида бир қатор масалалар алоҳида эътибор талаб қилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, электрон тижоратда шартномаларни электрон тарзда тузишда ҳануз қоғоз шаклидан фойдаланиш ҳолатлари мавжуд. Бунинг асосий сабаби аҳолининг кўпчилиги, шу жумладан, жойлардаги тадбиркорлар ҳам электрон тижорат ҳақида етарли маълумотларга эга эмас. Электрон тижоратда шартномалар тузилганидан сўнг уни амалиётга татбиқ қилиб, шартнома бўйича реал вазиятда уни ижро этиш, хусусан, ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда турли тушунмовчиликлар мавжуд. Фойдаланувчилар учун турли соҳа ва йўналишларга ихтисослашган, профессионал савдо платформаларига эга ахборот воситачилари сонини кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Шу боисдан жамоатчилик ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, соҳа учун ахборот технологиялари ва тижорат ишларидан бохабар мутахассисларни тайёрлаш, маркетинг ишлари сифатини ошириш, товарларни харидорларга етказиб берувчи курьерлик хизматлари ташкил этиш, бизнес томонидан тижорат ишларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шу орқали харидорларга ишончли ва кафолатланган хизматларнинг таклиф этилиши соҳа ривожига ижобий туртки бўлади. Шунингдек, тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рағбатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ойдинлашмоқда. Мамлакатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Концепцияда электрон тижоратни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид бир қатор тадбирлар комплекси белгиланган бўлишига қарамай, ушбу вазифаларни ўз вақтида ижро этиш ва шу орқали самарадорликка эришишга эътиборни кучайтириш ҳам бугунги кун талабидир.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. <https://lex.uz/ru/docs/5458249>
2. <https://yuz.uz/news/raqamli-iqtisodiyot-taraqkiyot-sari-qisqa-yol>
3. Қаххоров А.Ж. Инновацион маркетингнинг иқтисодий фаолият сифатидаги мазмун-моҳиятига илмий шарҳ. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2015 йил ноябрь-декабрь.
4. Rashad Yazdanifard1, Melissa Venpin “Internet Marketing: The New Era of Innovation in E-commerce” International Conference on Software and Computer Applications IPCSIT vol.9 (2011) © IACSIT Press, Singapore
5. Jun Yu (2006), “Marketing to Chinese consumers on the Internet”, Marketing Intelligence & Planning, Vol.24, No.4, pp.380-92.
6. Денисова А.Л., Молотков Н.В., Блюм М.А., Уляхин Т. М., Гуськов А.В. Электронная коммерция: основы организации и ведения бизнеса: Учебное пособие /– Тамбов: ФГБОУ ВПО "ТГТУ", 2012. – 88 с.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000